2014 йил 4 апрель, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 67 (12.628)

Баҳоси эркин нархда



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ёшлар — келажагимиз

## ИЗЛАНИШ ВА НАТИЖАЛАР САМАРАСИ

***Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида хотин-қизларнинг мавқеини янада юксалтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга муҳим аҳамият қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Зулфия номидаги давлат мукофотининг таъсис этилиши ҳам юртимиз хотин-қизларининг эзгу интилишларини рўёбга чиқариш борасида яратилаётган имкониятлардан биридир.***

Ўтган йили Зулфия номидаги давлат мукофоти учун ўтказилган танловда юртимиз миқёсида 11,2 минг нафарга яқин қизлар иштирок этган бўлса, 2014 йилда танловнинг қуйи босқичларида 120 минг нафардан ортиқ қизлар қатнашди, бу эса ушбу мукофотнинг нуфузи тобора ошиб бораётганидан далолат беради.

Жорий йилда турли соҳаларда юксак мукофотларга эришган, мамлакатимиз ва халқаро миқёсдаги фан олимпиадалари, спорт мусобақаларида юқори ўринларни қўлга киритган 16 нафар қиз Зулфия номидаги Давлат мукофотига лойиқ деб топилди. Ушбу шарафли мукофотга Хуршида Хакимова ҳам муяссар бўлди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг юксалиши, жамиятнинг маънавий баркамоллиги хотин-қизларга бўлган муносабатда ўз аксини топмоқда. Хуршида Хакимова сингари Ватанимиз шарафини юксакларга кўтараётган қизларимизнинг сафи йилдан йилга ортиб бораётгани эса, давлатимиз томонидан хотин-қизларга яратиб берилаётган имкониятларнинг тотли мевасидир.

Мазкур мукофот кўплаб иқтидорли қизларимизни кашф этиб, уларни янада изланишга ва янги ғоялар сари интилиб, улкан ютуқларни қўлга киритишида муҳим омил бўлмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида ана шундай иқтидорли ёшлардан бири — Тошкент шаҳридан Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган Хуршида Хакимовага қимматбаҳо совғалар топширилди.

— Мен шу муқаддас ва буюк юртнинг фарзанди эканлигимдан фахрланаман, — дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Юнусобод туманидаги 122-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Хуршида Хакимова. — Биз ёшларга шундай улкан имкониятларни яратиб бераётган муҳтарам Юртбошимизга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Зулфияхоним издошлари сафидан ўрин олган эканман, келгусида юртимиз равнақи йўлида бор имкониятларимни ишга солишга ҳаракат қиламан.

Дарҳақиқат, эндигина ўн олти баҳорни қаршилаган Хуршиданинг орзулари бир олам, бахтиёрлигининг эса чеки йўқ. Зеро, Зулфия номидаги Давлат мукофотининг соҳибаси бўлиш учун тинмай изланиш, ўқиш, ўрганиш ва чин маънода меҳнат қилиш керак бўлади.

Хуршида Хакимова 2010 йилдан синхрон сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси. Кўп марта Ўзбекистон чемпиони бўлган. У ёшлигидан спортнинг синхрон сузиш турига қизиқиб, астойдил шуғулланганлиги боис кўплаб ютуқларни қўлга киритган. 2010 йилда Малайзияда бўлиб ўтган «Осиё-Тинч океани» минтақаси очиқ чемпионатида мажбурий дастур бўйича биринчи ўринни эгаллаб, олтин, гуруҳ баҳсларида эса кумуш медаль соҳиби бўлган. Шу билан бирга Малайзия сув спорти федерациясининг сертификати билан тақдирланган.

2011-2013 йилларда қатор халқаро турнирлар ва Ўзбекистон очиқ чемпионатларида қатнашиб 8 та олтин, 2 та кумуш ва 3 та бронза медалларини қўлга киритган. Шунингдек, бир неча бор Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг дипломлари, Малайзия ва Осиё сув спорти федерацияларининг сертификатлари билан тақдирланган.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2014 йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарор ёш авлодга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътиборни янада кучайтиришга оид ишларнинг янги босқичга олиб чиқилишида дастуруламал вазифасини ўтамоқда.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТДА: Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Хуршида Хакимова**

**Ислом Исмоилов олган сурат**

## «ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ТЎҚИМАЧИЛИК БОЗОРИДА ЕТАКЧИ МАВҚЕНИ ЭГАЛЛАШИ УЧУН ЧЕКСИЗ ИМКОНИЯТЛАРГА ЭГА»

***Амстердамда бўлиб ўтган «Textile and Accessories Netherlands — 2014» халқаро кўргазмаси доирасида Ўзбекистон дипломатия миссиясининг вакиллари тўқимачилик соҳасидаги етакчи компаниялар раҳбарияти билан қатор учрашувлар ўтказишди.***

Жумладан, **«Textile and Accessories Netherlands — 2014» кўргазмаси ижрочи директори Мари Вендорвен** «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда мамлакатимизда тўқимачилик саноатини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларга юқори баҳо берди.

— Янги технологияларни қўллаш, самарали бошқарувга эга бўлган замонавий жиҳоз ва ускуналардан фойдаланиш юқори маҳсулдорликни ҳамда тармоқ корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажмларини оширишни таъминлаётгани ҳақидаги маълумотларни эшитиш қувонарлидир, — деди у. — Бугунги кунда республика нафақат пахта толаси етказиб берувчи, балки тайёр тўқимачилик маҳсулотлари экспорт қилувчи сифатида жаҳон тўқимачилик бозорида етакчи мавқени эгаллаши учун чексиз имкониятларга эга. Биз Ўзбекистон тўқимачилик компанияларининг навбатдаги кўргазмаларимизда фаол иштирок этишига умид билдирамиз.

**Бельгиянинг «Stratex Europe» компанияси раҳбари Вали Амаркаил**нинг маълум қилишича, Ўзбекистонда болалар кийим-кечакларини ишлаб чиқариш бўйича «Stratex Europe» муваффақиятли иш тажрибасига эга.

— Қўшма корхонамизда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, асосан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларига экспорт қилинади, — деди у. — Ушбу кўргазмада қатнашишимиздан кўзланган асосий мақсад, Европа бозорига кириш. Биз бу бозорда ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш орқали ишлаб чиқарадиган маҳсулотларимиз турини ҳам кўпайтиришимиз мумкин бўлади.

Ўзбекистонда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун берилган имтиёз ва преференциялар қисқа муддат ичида мамлакатда турли газламалар, тайёр трикотаж буюмлари ҳамда тикиш-трикотаж саноати учун ярим маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини яратиб бердики, улар жаҳон андозалари талабларига мос келиши билан бирга, хориждаги турдош маҳсулотлар билан бемалол рақобатлаша олади.

Учрашувларда тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасида сармоявий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан Ўзбекистон томонининг таклифлари кўриб чиқилиши бўйича Европанинг бир неча компаниялари билан келишувларга эришилди.

**«Жаҳон» АА.**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Урганчда сувдан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги суғориш ишларига замонавий тежамкор технологияларни жорий этишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

**• Нукусда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини такомиллаштириш масалаларига бағишланган республика семинари бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларнинг амбулатория-поликлиника хизмати бўйича бош мутахассислари, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари, қишлоқ врачлик пунктлари координаторлари ва мудирлари, оилавий поликлиникаларнинг бош шифокорлари, соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.**

**• Навоий шаҳрида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, унинг шаҳар ва туман бўлимлари ходимлари малакасини оширишга бағишланган ўқув-семинари ўтказилди.**

**• Самарқандда умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида билимлар беллашувининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг қуйи босқичларида муваффақиятли иштирок этган 728 нафар ўқувчи 15 фан бўйича билимини синовдан ўтказди.**

**• Наманган саноат касб-ҳунар коллежида металларга ишлов бериш механиги касби бўйича ўқув амалиётини инновацион технологиялар асосида ташкил этиш мавзусида республика семинари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги саноатга ихтисослашган ўттиздан зиёд коллеждан касбий таълим бўйича директор ўринбосарлари, ишлаб чиқариш таълими усталари ҳамда саноат, ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари иштирок этди.**

### ЖАҲОНДА

**• Сўнгги маълумотларга кўра Италияда ишсизлик даражаси 13 фоизга етди ва бу охирги ўттиз етти йил давомида қайд этилган энг юқори кўрсаткичдир. Бунда айниқса ёшлар ўртасида ишсизликнинг тобора ўсиб бораётганлиги хавотирли ҳолатдир. Зеро, айни пайтда бу кўрсаткич 42,3 фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 3,6 фоиз ошган.**

**• Япония ҳукумати кейинги 14 йилдан буён илк бор савдо солиғи ставкасини беш фоиздан саккиз фоизга оширди. Мамлакат маъмурлари шу йўл билан давлат қарзлари ўсишини пасайтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Жумладан, Кунчиқар мамлакат бош вазири Синдзо Абэ яқин вақт ичида турли салбий ҳолатлар юзага келишининг олдини олиш мақсадида иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришнинг янги чора-тадбирларини амалга ошириш ниятида.**

**• Ярим аср давом этган иккиланишлардан сўнг ниҳоят Бразилия ҳукумати шаҳарда гиёҳванд моддалар билан боғлиқ жиноятларга барҳам бериш ҳамда шундай моддалар олди-сотдиси билан шуғулланувчи шахсларнинг полиция постларига ҳужум қилишларининг олдини олиш мақсадида Рио-де-Жанейро шаҳридаги «Фавел» деб номланувчи эски ва хароба уй-жойларни тартибга келтиришга қарор қилди.**

## ТАДБИРКОРЛАР УЧУН МУЛОҚОТ

***Тошкент давлат иқтисодиёт университетида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг «Тадбиркорлар мулоқот форуми» лойиҳаси доирасида тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни янада кучайтириш чораларига бағишланган мулоқот бўлиб ўтди.***

Унда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Олий хўжалик суди, Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси вакиллари, мутахассис-экспертлар, тадбиркорлар иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида изчил ривожланаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётимизни юксалтириш, юрт тараққиёти ва аҳоли фаровонлигини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этаётгани таъкидланди. Бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда хусусий секторни молиявий қўллаб-қувватлаш ва бюрократик тўсиқларга барҳам бериб, қулай ишбилармонлик муҳити яратиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар муҳим омил бўлаётир.

Мамлакатимизда иқтисодий йўналишда қабул қилинган қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар соҳани янада либераллаштириш ва модернизация қилишда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майда янги таҳрирда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунида тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш меъёрлари белгиланган. Шунга қарамай, амалиётда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаш борасида айрим муаммолар кўзга ташланмоқда.

Партия дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, тадбиркорлар эркинлигини таъминлаш учун иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий шароит ва кафолатлар яратилиши, мазкур қатлам фаолиятининг ҳар томонлама рағбатлантирилиши, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий мустақил бўлиши, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришдаги тўсиқларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Қабул қилинаётган қонунларда партия электорати манфаатлари тўла акс эттирилиши учун жойларда кенг жамоатчилик иштирокида муҳокамалар ўтказилмоқда.

Мулоқотда соҳани ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, тадбиркорлар ўртасида тўлов маданияти ва шартнома интизомига риоя этилишини кучайтириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **КЕЧА** Республика болалар кутубхонасида «Болалар китоби – маънавият асоси» мавзусида маърифий тадбир ташкил этилди.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» республика кўрик-танлови ўтказилди. Унда танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларида ғолиб бўлган педагоглар иштирок этди.

✓ **ЭРТАГА** Халқ таълими вазирлигининг мультимедиа марказида «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида «Таълим: замонавий даража ва моддий базани яхшилаш» лойиҳаси асосида «Оила, маҳалла, таълим муассасаси ҳамкорлиги механизмини амалга оширишда жамоатчилик назоратининг ўрни» мавзусида видео-конференция ўтказилади.



Янги лойиҳалар

# КИТОБХОНЛИК БАЙРАМИГА АЙЛАНДИ

***Чилонзор туманидаги 138-мактабда «Фарзандимга китоб совға қиламан» лойиҳаси доирасида ўтказилган «Китоб — ақлга илм, қалбга маънавият» номли тадбир ўқувчилар учун ҳақиқий китобхонлик байрамига айланди.***

Тадбирда юз нафардан ортиқ ўқувчиларнинг ота-оналари ҳам фаол иштирок этишди. Улар «Шарқ», «Янги аср авлоди», «Ўқитувчи», Ғафур Ғулом сингари нашриётлар томонидан чоп этилган эллик номдаги икки юзга яқин турли қизиқарли китоблар ярмаркасида фарзандларининг қизиқишларига мос китоблар харид қилишди. Шунингдек, ўқувчилар томонидан адабиёт бурчаги ташкил этилиб, ундан ёзувчи ва шоирлар, миллий эртак қаҳрамонларининг суратлари, ўзларининг ижодий ишлари, реферат, буклет ва альбомлар ўрин олди. Бошланғич синф ўқувчилари ўртасида «Китобим — офтобим», юқори синфларда «Менинг севимли китобим» мавзуларидаги иншо, баён ва расмлар танлови ташкил этилди. Бир неча йилдан буён анъанавий тарзда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан мактаблар етакчилари, кутубхоначи-ходимлар билан биргаликда ўтказиб келинаётган «Китобхон оила» кўрик-танлови жорий йилда ҳам 4 та шарт асосида қизғин ташкил этилди. Бундай тадбирлар албатта оилада барқарор маънавий-тарбиявий муҳитнинг шаклланиши, болажонларнинг энг яқин ва беғараз дўст ҳисобланмиш китобларга ошно бўлишларига хизмат қилади.

**Бекзод САМАНДАРОВ,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

**СУРАТДА: 138-мактабда ўтказилган тадбирдан лавҳа**

Тадбирлар

# ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ВА ЁШЛАР

***Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида Ўзбекистон иқтисодиётини янги босқичга кўтаришда ёш олимлар тадқиқотлари ва инновацияларнинг ўрни масалаларига бағишланган «Инновацион иқтисодиёт ва ёшлар» мавзуида талабалар илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.***

Профессор-ўқитувчи ҳамда талабалар иштирокидаги тадбирда турли мавзулардаги илмий маърузалар тингланди. Жумладан, жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар, ижтимоий соҳалар, ахборот-коммуникация технологиялари каби бир қатор муҳим мавзуларга алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунда ёшларга эркин фаолият юритишлари ҳамда юксак ғояларини ҳаётга татбиқ этишлари учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Хусусан, иқтисодиёт соҳасида амалга оширилиши керак бўлган кенг кўламли вазифалар ёшлар олдига улкан масъулият қўймоқда.

Маълумки, ёшлар ҳаётга интилувчан ва яратувчилик қобилиятига эга шахсдирлар. Шунинг учун ҳам иқтисодиёт соҳаси бўйича турли тадқиқотлар олиб боришда айнан, ёш олимларни кенг жалб этиш Ўзбекистон иқтисодиётини янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур анжумандан кўзланган асосий мақсад ёш олимлар томонидан инновацион иқтисодиётга қаратилган кичик илмий тадқиқот, хулоса ҳамда билдирилган фикр-мулоҳазаларни муҳокама қилиш ва муҳим илмий тадқиқотларни ривожлантиришга қаратилган.

Таъкидлаш керакки, илмий маърузалар муҳокамасига бағишланган анжуман материаллари тўплам ҳолида чоп этилади.

**Зиёда ОРТИҚОВА,**
**ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси**

***Ички ишлар вазирлиги академиясида Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсларининг навбатдаги битирув маросими бўлиб ўтди.***

# ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ ХИЗМАТГА ОТЛАНДИ

Тантанали тадбир муносабати билан ИИВ академияси саф майдонига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бир қатор жамоат ташкилотлари вакиллари, соҳа ходимлари, курсантлар, битирувчиларнинг ота-оналари ва яқинлари ташриф буюрди.

Мамлакатимиз ички ишлар тизимида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида бугун бу соҳада замонавий касб кўникмаларига эга, ҳар қандай вазиятда мустақил, тўғри қарор қабул қилишга қодир сержантлар тайёрланмоқда. Замонавий билим ва кўникмага эга сержантлар юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда сидқидилдан хизмат қилишаётир.

Ички ишлар вазирлиги академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курслари давлатимиз раҳбарининг 2004 йил июлдаги «Ички ишлар идораларининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ИИВ академиясида ички ишлар идоралари мутахассисларини тайёрлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан ташкил этилган.

Бугунги кунда Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсларида ички ишлар идораларининг патруль-пост, йўл ҳаракати хавфсизлиги, хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш, қўриқлаш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, жазони ижро этиш, ёнғин хавфсизлиги ва бошқа йўналишлар бўйича курсантлар таҳсил олади. Ҳозирга қадар мазкур даргоҳда минглаб сержантлар тайёрланди. Бугунги кунда уларнинг аксарияти ички ишлар органларида ўз хизмат вазифаларини муваффақиятли бажариб келмоқдалар.

– Олдимизда турган вазифаларни амалга оширишда биздан метин ирода ва юксак маҳорат талаб этилади, – дейди кичик сержант Шаҳризод Тўлаганов. – Ушбу таълим масканида олган барча билим ва кўникмаларимизни амалиётда қўллаб, Ички ишлар вазирлиги ва академия раҳбарияти билдирган юксак ишончни оқлаш учун бор куч ва ғайратимизни сафарбар этамиз.

Тадбирда сўзга чиққанлар жамиятимизда барқарорликни таъминлаш, фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини сақлаш каби вазифаларни бажаришда курсантларнинг олган касбий билимлари қўл келишини таъкидлаб, битирувчиларни ҳаётларидаги ушбу қутлуғ кун билан табриклаган ҳамда уларни кейинги фаолиятларида муваффақиятлар тиладилар.

**Абдуалим САЛИМОВ**

Фармон ва ижро

# КЎЧМАС МУЛККА БЎЛГАН ҲУҚУҚНИ РЎЙХАТГА ОЛИШНИНГ ЯНГИ ТАРТИБИ

***Мулкдорлик – халқимизнинг истиқлол туфайли эришган муҳим ҳуқуқларидан бири. Зеро, хусусий мулк инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини таъминлаш, маиший шароитини яхшилашда зарур омилдир. Мамлакатимизда бу борада давлат томонидан зарур ҳуқуқий кафолат ва шарт-шароитлар яратилгани аҳолининг мулкка эга бўлиш имкониятлари кенгайиб, жамиятимизда тадбиркорликнинг кенг қулоч ёйишига йўл очди.***

Бозор муносабатларининг асосий қонуни бўлган талаб, таклиф ва рақобат муҳитининг хусусий мулк негизида амалда бўлиши, шунингдек, хусусийлаштиришнинг изчил йўлга қўйилгани юртимизда мулкдорлар синфининг янада кенгайиши учун замин яратди. Бунинг учун зарур ҳуқуқий асослар таъминлангани, жумладан, Бош Қомусимизда хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида экани қайд этилгани муҳим аҳамият касб этаётир.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 сентябрда қабул қилинган «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунига кўра, хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ қўлга киритган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидан иборатдир.

Мазкур қонунда мулкдорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, мулк дахлсизлиги ва хавфсизлигини таъминлаш билан бирга хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш шартлари, унинг муддатсизлиги, бузилган мулк ҳуқуқининг қайта тикланиши, мулкдор ҳуқуқининг устуворлиги тамойили мустаҳкамланган. Хусусийлаштириш натижасида вужудга келган мулк ҳуқуқи кафолатланиши билан бирга унинг қайта кўриб чиқилмаслиги ва бекор қилинмаслиги ҳам қонунда ўз ифодасини топган. Бу қонунчилигимиздаги муҳим янгиликлардан бири бўлиб, бошқа давлатлар қонунчилигида бундай меъёр учрамайди.

Хусусий мулк ҳуқуқини амалга оширишга давлат органлари ва бошқа идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда ушбу тизим мансабдор шахсларининг қонунга хилоф равишда аралашувига йўл қўйилмайди. Улар томонидан шундай ҳолга йўл қўйилиб, мулкдорга зарар етказилганда, мулкдор бу ҳақда судга давлат божи тўламасдан мурожаат этишга ҳақлидир. Мулкдорга зарар етказилгани аниқланган ҳолларда бу зарар айбдор мансабдор шахслардан ундирилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 18 июлда қабул қилинган «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан тадбиркорлик субъектларининг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқини давлат рўйхатига олишнинг замонавий тамойиллари жорий этилгани бу борадаги яна бир муҳим қадам бўлди. Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январда «Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

– Кўчмас мулк мулклар ичида энг аҳамиятлисидир, – дейди Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси бош мутахассиси Арзет Латипов. – Ер участкалари, уй-жойлар, бино ва иншоотлар, кўп йиллик дарахтзорлар шу тоифага киради. Кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар, бу ҳуқуқларнинг вужудга келиши, бошқа шахсга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлиши, шунингдек, улар билан боғлиқ битимлар давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Шунда фуқаро ёки юридик шахсда уларга бўлган мулк ҳуқуқи вужудга келади.

Ҳукуматимиз томонидан шу соҳани янада тартибга солиш мақсадида қабул қилинган қарор тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун янада қулай шарт-шароит яратди. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ тартиботлар сони ва муддатлари қисқартирилди. Қарор асосида тасдиқланган «Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида» ва «Туман (шаҳар) ер кадастри дафтарини юритиш тартиби тўғрисида»ги низомларда ушбу жиҳатлар тўлиқ ифодасини топган.

Маълумки, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ишлари «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг жойлардаги ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналари томонидан мулк эгасининг аризасига мувофиқ амалга оширилади. Бу борада аввал бир неча меъёрий ҳужжатлар асосида иш юритилган бўлса, эндиликда «Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низомда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ ҳамма масалалар битта ҳужжатда акс эттирилди.

Энг муҳими, низом асосида юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк билан боғлиқ ҳужжатларини ахборот-коммуникация технологиялари орқали юбориб, «бир ойна» тамойили бўйича давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби белгиланди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси билан биргаликда зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш тизими янада такомиллаштирилиб, амалдаги дастурий таъминот бугунги кун талабларига мувофиқлаштирилаётир. Ер кадастри дафтарини юритиш бўйича маълумотлар базаси мунтазам янгиланиб боришини таъминловчи дастурий таъминот ишлаб чиқилмоқда.

Айтиш жоизки, бино ва иншоотларга ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишдан олдин кадастр йиғмажилди тайёрланади. Унда мулкнинг тавсифи келтирилиши билан бирга ер участкасига, бино ва иншоотларга ҳамда кўп йиллик дарахтларга бўлган ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиши шарт. Бундай йиғмажилд кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан тайёрланади.

Ариза ва йиғмажилд ер тузиш ҳамда кўчмас мулк кадастри давлат корхоналарига топширилгач, тегишли мутахассислар томонидан икки кун ичида кўриб чиқилади. Ҳамма ҳужжатлар тақдим қилинган бўлса, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилади. Бу жараён ҳужжатларга асосан Давлат реестрига ёзиб қўйиш йўли билан амалга оширилади. Ҳуқуқ эгасига унинг ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисида гувоҳнома берилади. Ушбу гувоҳнома олингандан кейин кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқ пайдо бўлади.

Қарордаги янгиликлардан бири, кўп йиллик дарахтларга бўлган мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибининг белгиланганидир. Амалда илк бор жорий этилаётган бу меъёр фермер хўжаликларининг ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги бошқа тадбиркорларнинг мулк ҳуқуқини муҳофаза қилишга қаратилган. Эндиликда ана шундай мулкка эга бўлган мулкдорлар ўзларининг бу ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказишлари мумкин.

Низомда ипотека шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ҳам белгиланди. Бундан ташқари, бино ва иншоотлар кимга тегишлилиги ва уларнинг таркиби тўғрисида нотариат идоралари, суд ва бошқа ваколатли органларга ёки юридик шахсларга, фуқароларга бериладиган маълумотномаларни бериш тартиби ҳам такомиллаштирилди.

Эндиликда ер участкасига, бино ва иншоотларга, кўп йиллик боғларга бўлган ҳуқуқларни, ипотека ва ипотека билан боғлиқ шартномаларни, бошқа ҳужжатларнинг ҳар бирини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун юридик шахслардан энг кам иш ҳақининг эллик фоизи, жисмоний шахслардан ўн фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

Мухтасар айтганда, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олишнинг бундай қулай ва замонавий шакли фуқароларга, тадбиркорларга, адвокатларга, нотариусларга ва бошқа мутахассисларга катта қулайлик яратди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

***Бугунги кунда ўсиб келаётган ёш авлодга давлатимиз томонидан катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Жорий йилнинг «Соғлом бола йили» деб номланишининг туб мазмун-моҳиятида ҳам соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишдек олий мақсад мужассам.***

2014 йил — Соғлом бола йили

# ЭЗГУ ИШЛАР САРИ ҚАДАМ

Юқорида айтиб ўтилган хайрли мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, шунингдек «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси йўлида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди Тошкент шаҳар таянч маскани томонидан ногирон, боқувчисини йўқотган етим болалар, васийликка олинган болалар, кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳамда Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаблар ўқувчиларига ғамхўрлик кўрсатиш ҳамда уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича қатор хайрия тадбирлари ўтказилиб келинмоқда.

Жумладан, мана шундай тадбирлардан бири болаларнинг баҳорги таътил вақтини мазмунли ва қизиқарли тарзда ўтказиш, ёшлар онгида Ватан туйғусини шакллантириш, ўсиб келаётган ёш авлодни ота-боболаримиздан қолган осори-атиқалар билан таништириш мақсадида кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрига саёҳат ташкил этилди. Тадбирга 23-, 30-Меҳрибонлик уйлари, 25-имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб ва Шайхонтоҳур туманида истиқомат қилувчи кўп болали, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар фарзандлари жалб этилди.

Саёҳатчиларни Самарқандда «Соғлом авлод учун» хайрия фондининг вилоят бўлими ва шаҳар ҳокимлигининг мутасаддилари кутиб олишиб, «Регистон» майдонида тантанали бадиий кеча ўтказилди.

— Болажонларнинг қувончу ҳайратини кўришнинг ўзи кишига ўзгача ғурур ва завқ бағишлайди, — дейди «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди Тошкент шаҳар таянч маскани раҳбари Маҳбуба Маҳкамбоева.– Улар Бибихоним, «Гўри Амир» мадрасалари, «Авлиё Довуд» зиёратгоҳи, Мирзо Улуғбек расадхонаси, «Шоҳи Зинда» зиёратгоҳи каби жаҳон аҳлини ҳайратга соладиган ноёб обидалар, осори-атиқалар билан танишганларида юраклари фахр ва ғурурга тўлди, кўнгиллари кўкларга бўй чўзди, десак асло муболаға бўлмайди. Иштирокчиларнинг аксарияти биринчи марта саёҳатга чиққанлари учун ҳам таассуротлари бир олам бўлди. Биз ушбу саёҳат таассуротлари бўйича 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунигача «Менинг таассуротларим» мавзуида иншолар танловини ўтказишни режалаштирганмиз. Ғолиблар байрам куни тақдирланади.

Бир-бирлари билан ўзаро завқланиб, таассуротларини ўртоқлашаётган болажонлару тарбиячиларни суҳбатга чорладик.

— Самарқанднинг гўзал шаҳар эканлиги, бетакрор тарихий қадамжолари ҳақида эшитиб, бу ерга келишни орзу қилардим, — дейди 23-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Дарья Денисова. — Ростдан ҳам шундай экан. Шаҳарнинг сўлим ва озодалиги, машҳур обидалари менда унутилмас таассурот қолдирди. Бизга мана шундай шароитларни яратиб бераётган давлатимиз раҳбари ва тарбиячиларимизга миннатдорчилик билдираман.

— Мен эса юртимизда шундай пурвиқор жойлар борлигини тасаввур ҳам қила олмасдим. Шундай аждодлар фарзанди, улуғ алломалар издоши эканимиздан бахтлиман. Юртимга муносиб фарзанд бўлишга интиламан, — дейди Алибек Беков.

— Фарзандларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етишлари учун бугун барча имконият эшиклари очилган, — дейди 30-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси Феруза Қодирова. — Бугунги уюштирилган саёҳат ҳам болажонларнинг яйраб дам олишлари, она Ватанимиз билан фахрланишлари, тенгдошларидан кам эмасликлари, юртимизда ҳар бир бола меҳр ва эътиборда эканлигини амалда кўрсатиш каби хайрли мақсадларни қамраб олган. Ишонаманки, бугунги тадбирда иштирок этган ўғил-қизлар ўзларининг ўчмас таассуротларини дўстлари билан баҳам кўрадилар.

— 25-имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактабимизда ўғил-қизларимизнинг ҳар соҳада имкон қадар тенгдошларидан кам бўлмай таълим-тарбия олишлари, маънан ва жисмонан соғлом бўлиб вояга етишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди шу мактаб ўқитувчиси Азиза Умарова. — Самарқанди азимга саёҳатимиз ҳам мана шу йўлдаги хайрли қадамлардан биридир. Токи болажонлар ўзларини тенг ҳуқуқли инсон, меҳр ва эътиборда эканликларини тушуниб, кўриб, вояга етишсин. Юртимиз шону шуҳрати, буюк алломалар ёди уларни эзгу ишларга йўлласин.

Дарҳақиқат, шу куни юзу кўзларидан қувонч, шодлик ва болаларча ҳайрат ёғилиб турган саёҳатчиларнинг беғубор кулгуларига ҳамоҳанг бўлган қуёш ҳам заррин нурлари билан уларни сийлади. Озод ва обод юртнинг эгалари келажакнинг ёрқин йўлларини ният қилганча ширин таассуротлар билан қайтишди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

